O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
XALQ DEPUTATLARI
SHAYXONTOHUR TUMAN
KENGASHINING

Q A R O R I

РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН

Р Е Ш Е Н И Е

КЕНГАША НАРОДНЫХ
ДЕПУТАТОВ
ШАЙХОНТОХУРСКОГО
РАЙОНА

65/2-11 -son

20 20 yil « 16 » июнь

Шайхонтоҳур туманидаги баъзи географик объектлар номларини тартибга келтириш тўғрисида

“Географик объектларнинг номлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 10-моддаси (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2011 й., 10-сон 273-модда), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 16 октябрдаги “ “Географик объектларнинг номлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ географик объектларнинг номлари соҳасидаги ишларни тартибга солиш чора-тадбирлари хақида”ги 295-сон қарорига (“Ўзбекистон Республикаси конун ҳужжатлари тўплами”, 2012 йил, 41-42-сон, 483 модда) асосан, Халқ депутатлари Шайхонтоҳур туман Кенгаши

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Географик объектларни номлаш ва қайта номлаш масалалари бўйича Шайхонтоҳур туман ҳудудий комиссиясининг Эски Жарариқ маҳалласи, Зангиота 2 берк кўчасига “Мафтункор” номини бериш ҳақидаги қарори маъқуллансин.
2. Шайхонтоҳур туман ҳокими ўринбосари (Р.Қурбонов), Шайхонтоҳур туман ободонлаштириш бошқармаси (Ғ.Зокиров), Шайхонтоҳур туман ҳокими ўринбосари - “Маҳалла ва оилани қўллаб-кувватлаш бўлими (З.Тохирова)га:

“Мафтункор” кўча номи акс эттирилган номлагичлар ўрнатилиши ва тегишли ҳужжатларга ўзгартириш киритиш амалга оширилсин.

3. Тошкент шаҳар “Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри” давлат корхонаси Шайхонтоҳур туман филиали (Ш.Мирсагатов)га:

Географик объектлар номларининг давлат реестрига тегишли ўзгартиришлар киритилиши таъмиинлансин.

4. Шайҳонтохур туман ҳокимлиги Матбуот котиби-ахборот сиёсати масалалари бўйича маслахатчи (С.Муртазакулов)га:

мазкур қарор “Тошкент оқшоми” ва “Вечерний Ташкент” газеталарида расмий эълон қилинсин ҳамда www.toshkent.uz веб-сайтига жойлаштирилсин.

5. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

6. Қарорнинг ижросини назорат қилиш халқ депутатлари Шайхонтоҳур туман Кенгашининг Саноат, транспорт, қурилиш, алоқа ва аҳолига хизмат кўрсатиш масалалари бўйича доимий комисияси раиси А.Умаров зиммасига юклансин.

Халқ депутатлари
Шайхонтоҳур туман Кенгаши
раиси ўринбосари **М.Адилов**